
Бағдодда журналистлар ва блогерлар учун матбуот анжумани ҳамда пресс-тур ташкилланди

Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси томонидан тасдиқланган медиа-режага асосан, Бағдод туманида журналистлар ва блогерлар учун навбатдаги матбуот анжумани ҳамда пресс-тер ташкил этилди.

Маҳаллий ҳокимлик муассислигидаги “Бағдод ҳаёти” газетаси таҳририятида ўтказилган матбуот анжуманида туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Бахтиёржон Холдоров, туман ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Умиджон Йигиталиев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тумандаги Халқ қабулхонаси мудирини Фазлиддин Очилдиев қатнашиб, журналист ва блогерларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтардилар.

Хусусан, туманда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” Давлат дастурлари доирасида бажарилаётган ишлар, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, уй-жойлар қурилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда коммунал соҳалар фаолияти билан боғлиқ долзарб саволларга масъулларнинг жавоби олинди.



Шундан сўнг иштирокчилар учун Президент эътирофидаги Гулистон йўлдош шаҳарчасида қад ростлаётган кўп қаватли янги турар-жой бинолари, ижтимоий соҳа объектлари, аynи ҳудуддаги “Мурувват” кичик саноат зонаси ва Ёшлар иссиқхона мажмуасига пресс-тур ташкилланди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-08-02 10:27:16